

ошиб боришини, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан ифлосланиш даражасини камайтиришни таъминлашда, ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳада банд бўлганларнинг иш ҳақи ва даромадларининг ўсиб бориши, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш даражасини ошириш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожланиб боришида ифодаланади. Яъни инновациялар, техника ва технологиялар тараққиёти ҳамда ўсиб бораётган эҳтиёжлар натижасидир.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 21 сентябрь «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли «2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрельдаги ПҚ-3682-сонли «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори.

4. Равсулов Н. Инновацион жараёнларни стратегик бошқариш – инновацион иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили // Бизнес эксперт журнали. 2013 (5). 23 б.

*М.Н. Орзикулова, ilmiy rahbar Ж.Ш. Тухтабаев*  
Тошкент давлат иқтисодий университети  
jamshidtukhtabaev@gmail.com

### **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада рақамли иқтисодий ривожлантириш вазифалари, ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти назарий жиҳатдан кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодий, макроиқтисодий барқарорлик, ахборот технологиялари, иқтисодий ривожланиш, паланформа, модел.

*М.Н. Орзикулова, научный руководитель Ж.Ш. Тухтабаев*  
Ташкентский государственный экономический университет  
Ташкент, Узбекистан

### **РОЛЬ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОЙ УСТОЙЧИВОСТИ**

**Аннотация.** В этой статье рассматриваются теория цифровой экономики, ключевые аспекты развития, а также роль и значение макроэкономической стабильности.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, макроэкономическая стабильность, информационные технологии, экономическое развитие, паланформа, модель.

Ҳозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, рақамли иқтисодиёт жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Худди шунинг учун ҳам давлат ва жамият тараққиётини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан бир қанча муҳим вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномада "...иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгиланишни кўзда тутадиган "Рақамли иқтисодиёт миллий концепцияси"ни ишлаб чиқишимиз керак.

Шу асосда "Рақамли Ўзбекистон-2030" дастурини ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур" деб таъкидлаган. Бу борада 2018 йил 3 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан ахборот технология платформаларида фаолият юритадиган рақамли иқтисодиёт жадал суръатлар билан ривожланмоқда, бу эса ушбу платформаларнинг янги моделларини яратиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ушбу мақола орқали рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ўрнини назарий жиҳатдан кўриб чиқамиз. Рақамли иқтисодиёт - бу хўжалик фаолиятини юритиш шакли бўлиб, бунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги асосий омил рақамлар кўринишидаги маълумотлар, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва натижасини таҳлил қилиш ёрдамида турли хилдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, технологиялар, қурилмалар, сақлаш, маҳсулотларни етказиб беришда олдинги тизимдан самаралироқ ечимлар тадбиқ қилишдир. Бошқача қилиб айтганча, рақамли иқтисодиёт онлайн хизматлар кўрсатиш, тўловларни электрон шаклда амалга ошириш, интернет савдо, краудфандинг ва бошқа турдаги соҳаларни рақамли компьютер технологиялар билан ўзаро боғланган тизимдир.

Дарҳақиқат, ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиши замонавий технологияларнинг ҳаётимизга кириб келишига, инсон ҳаётида туб ижобий ўзгаришлар содир бўлишига асос солди. Масалан, рақамли технологиялар ривожланиши орқали кўплаб қулайликларга эга бўлишимиз ва вақтимизни тежашимиз мумкин. Интернет орқали ўзимизга керакли харидларни амалга ошириш, китобларни электрон кўринишида олиш ва ўқиш, ортиқча қоғозбозликдан вос кечиш, уйдан чиқмаган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларга буюртма беришимиз мумкин. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бизнинг кундалик ҳаётимизга ижобий таъсир қилиши, оддий фойдаланувчига кўплаб қўшимча имкониятлар ва қолаверса, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши учун ҳам кенг имкониятларни яратади.

Замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш даражасининг ошиши мамлакат иқтисодиётининг барқарорликга эришишнинг, иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий шартларидан биридир. Бунда иқтисодиётни барқарорлаштириш, инновацион иқтисодиётга ўтиш жараёнида уни жонлантириш ва ривожлантириш йўлидаги қонуний босқичларни амалга оширишни кўзлайди. Ҳозирги кунда, рақамли иқтисодиёт иқтисодиётимизни ривожланиши ва макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг пасайишини олдини олиш, янги иш ўринларни яратиш ва тўлов балансини бир меъёردа сақлашда жуда муҳим рол ўйнайди.

Рақамли иқтисодиётда рақамли кўринишдаги маълумотлар барча ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ишлаб чиқаришнинг асосий элементи ҳисобланади ва бундай иқтисодиёт тизимига ўтиш мамлакатимизнинг глобал миқёсдаги рақобатбардошлигини ошириб, фуқароларнинг ҳаёт сифатини янада оширишни, очиқлик ва шаффофликни, жадал иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабр, № 271 (7199).
2. *Тухтабаев Ж.Ш.* Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми. Монография. Т., 2020.182 б.
3. *Азизов У.Ў., Тошматов З.Х., Аюпов Р.Ҳ.* Рақамли иқтисодиёт асослари. Т., 2019.

*А. Мамадалиев, А.Р. Бахриддинов*  
илмий раҳбар *К.М. Юлдашев, Р.И. Эгамбердиев*  
НамМТИ, СИЧТЭИ  
Наманган, Ўзбекистон  
qodirjonaka@mail.ru

## **ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада кичик бизнеснинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, тадбиркорлик, давлат, молиялаштириш, стратегия, ялпи ички маҳсулот, саноат, давлат-хусусий шерикчилиги.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўналишларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни миллий иқтисодиётда етакчи ўринни эгаллаши, пировардида, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳажмини оширишга меҳнат ресурсларининг аҳамиятли қисмини иш билан банд қилишга хизмат қилади. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган [1].

Миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларининг яратилганлиги, жумладан тегишли қонунчилик актларининг мавжудлиги. солиқ имтиёзларининг қўлланилиши, имтиёзли кредитлашни жорий этилганлиги ва уларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланганлиги кичик бизнес субъектларининг фаолиятида яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари